

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил апрель ойининг 3 куни жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Б.Ш.Ахмедов, судья ёрдамчиси И.Хайдаровнинг котиблигида, тарафлардан Нарпай туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи М.Омонов, жабрланувчи ХХХХ, судланувчи ХХХХ ва унинг ҳимоячиси Хатирчи тумани “Хатирчи адолат” адвокатлик фирмаси адвокати А.Қодировнинг иштирокида, судланувчи ХХХХга оид 1-1409-2401/■-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХХ 2002 йил 14 август куни Хатирчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Навоий вилояти Хатирчи тумани “Дамариқ” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 20 март куни олган, соғлом,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувини, тарафларнинг музокара нутқлари ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни;

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи ХХХХ, 2024 йил 09 январь куни соат 20:00да бобоси ХХХХга тегишли бўлган, техник жиҳатдан соз ҳолдаги “Nexia-3” русумли 85 А... МА давлат рақам белгили автотранспорт воситаси билан Нарпай тумани “Ипак йўли” маҳалласи ҳудудидан ўтган Самарқанд-Бухоро М-37 халқаро автомобиль йўлини 113-километрда ҳаракатланиб келиб, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 11-бандидаги “ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши” ҳақидаги, 109-бандидаги “тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шартлиги” ҳақидаги, 77-бандидаги “ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги



кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги” ҳақидаги талабларига амал қилмасдан бепарволик билан автомашинани бошқарганлиги натижасида, йўлни пиёдалар ўтиш учун мўлжалланган жойидан йўлни кесиб ўтаётган пиёда XXXXни машинасини олд чап томони билан уриб юбориб йўл-транспорт ҳодисасини содир қилган, натижада пиёда XXXX оғир тан жароҳати олиб шифохонада вафот этган.

Нарпай туман суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 2024 йил 30 январь кунги 8-сонли мурдага оид тиббий хулосасида, марҳум XXXXнинг ўлими, бош мия пардалари устига ва остига қон қўйилиши, бош мия тўқимасига қон қўйилиши, мияни асосидан субдурал гематома билан босилиши, энса суякларини синиши, чап сон суягини синиши, ўнг болдир суякларини синиши кўринишидаги калла, иккала ёноқлари қўшма шикастидан келиб чиққанлиги, суд-тиббий текширув вақтида XXXXнинг танасида, яъни ўнг тирсак бўғими, чап билак, чап тизза бўғими, иккала болдир, иккала ошиқ-болдир бўғими соҳаларида шилинмалар, бошнинг тепа энса, чап сон соҳаларида урилиб йиртилган яралар, бошнинг тепа энса, иккала чакка соҳалари тери ости юмшоқ тўқимасига қон қўйилиши, бош мия пардалари устига ва остига қон қўйилиши, бош мия тўқимасига қон қўйилиши, суякларини ёрилиб синиши, чап сон суяклари, ўнг болдир суякларини синиши, ўпка илдизига, жигар бойламларига, ичак тутқичига қон қўйилиши каби жароҳатлар аниқланган бўлиб, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида қарорда кўрсатилган ҳолатда, ҳаракатда бўлган автомашинани ташқи бўртиб чиққан қисмлари ҳаракатда бўлган тик турган танани дастлаб иккала болдир соҳаси орқа юзаси ўрта қисмига урилишида танани автомашина капотига йиқилиб, отилиб кетиб қаттиқ ер қопламасига йиқилиб ишқаланишидан вужудга келган бўлиши мумкинлиги, улар оғир тан жароҳатлари белгилари мавжуд бўлиб, унинг ўлимининг сабаби билан бевосита боғлиқлиги, суд тиббий текширув вақтида марҳумнинг ички аъзоларида унинг ўлимига сабаб бўла оладиган ички касалликлар аниқланмаганлиги кўрсатилган.

Судланувчи XXXX суд мажлисида берган кўргазмасида, айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб, 2024 йил 09 январь куни соат 20:00да Хатирчи тумани “Дамариқ” маҳалласидан бобосига тегишли бўлган “Nexia-3” русумли 85 А ... МА давлат рақамли автомашина билан Навоий шаҳарда яшовчи амакиси XXXXни уйига кетаётганлиги, Навоийга кетаётганини таниши XXXXга



айтганида у ҳам Навоий шаҳарга кетаётганини айтиб ХХХХни ҳам шаҳарга олиб кетишини айтганлиги, кейин ХХХХ билан биргаликда Хатирчи туманидан чиқиб Нарпай тумани “Ипак йўли” маҳалласи худудидан ўтган Самарқанд-Бухоро М-37 автомобиль йўлини 113-км.да ҳаракатланиб кетаётган бўлганлиги, йўлда машина билан 60 км. тезликда ҳаракатланиб кетаётган бўлганлиги, у ушбу йўлни иккига ажратиб турувчи бетон бардиёрга яқин томондан ҳаракатланиб кетаётган бўлганлиги, ушбу йўл бетон бардиёрга ўрнатилган пиёдалар ўтиш учун мўлжалланган йўл белгисини кўрганлиги, лекин йўлда пиёдалар ўтиш йўлини кўрмаганлиги, сабаби кун кеч бўлганлиги, у ўзини йўлида ҳаракат қилиб келаётган вақтида уни орқасидан қандайдир машина ўзини чироқларини ёқиб унга йўл бериши ҳақида огоҳлантирганлиги, орқасидан келаётган машинага йўл бермоқчи бўлиб орқани кўрсатувчи ойнани қараганлиги, шу вақтда уни ўнг томонидан ҳам “Ласетти” русумли машина тез ҳаракатланиб ўтиб кетганлиги, у ўзини ҳаракат йўлида келаётган вақтида йўлда пиёдалар ўтиш учун чизилган йўлни кўрганлиги, ушбу йўлда унга нотаниш кейинчалик танигани ХХХХ ҳаракатланиб ўтаётган бўлганлиги, ХХХХни кўрганидан машинани тормозини босиб машинасини ўнг томонга олишга ва пиёдани уриб юбормасликка ҳаракат қилганлиги, лекин ХХХХ билан ораси яқин қолганлиги сабабли ХХХХни машинасини олд томони билан уриб юборганлиги, ХХХХни уриб юборганидан кейин орадан тахминан 10-15 метр масофа ўтганидан кейин тўхтаганлиги, сўнг машинадан тушиб пиёдани уриб юборган жойга борганида ёши тахминан 60-70 ёшдаги ХХХХ бўлганлиги, ХХХХни машинасига миндириб биринчи тиббий ёрдам кўрсатгани шифохонага олиб борганлиги, шифокорлар ХХХХга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатишганлиги, ХХХХ олган жароҳатлари оқибатида вафот этганлиги, воқеадан сўнг марҳум ХХХХнинг яқинларидан кечирим сўраб, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, марҳумнинг яқинлари уни кечирганлигини, жабрланувчи ХХХХнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қилмишини оқибатини англаб етгани ва муқаддам судланмаганини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи ХХХХ суд терговда айбига иқрорлик билдириб кўрсатув берганидан ташқари, унинг айби жиноят иши бўйича сўроқ қилинган жабрланувчи ва иш ҳужжатларида мавжуд суд терговда таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, яъни:

- судда сўралган жабрланувчи ХХХХнинг, марҳум ХХХХ отаси бўлишлиги, отаси 31 йил давомида Нарпай тумани 31-сонли автокорхонада ишлаб шу ердан нафақада чиққанлиги, 2024 йил 09 январь куни соат тахминан 19:00да Нарпай тумани “Ипак йўли”



маҳалласи ҳудудидан ўтган Самарқанд-Бухоро М-37 халқаро автомобиль йўлини 113-км.да ўзига тегишли бўлган “Нексия-2” русумли 85 V... AA давлат рақам белгили автомашина билан келаётганида шу йўлда пиёдалар ўтиш учун мўлжалланган жойда одамлар йиғилиб турганини кўрганлиги, у одамлар йиғилган томонга келиб машинасини йўлни четига сақлаганлиги, кейин йўлни унга нисбатан нариги томонида бетон бардиёрдан ўтганида одамлар томонга борганлиги, шу ерда бўлган бир маҳаллада яшовчи танишлардан нима бўлганини сўраганида бир ёши катта бобони машина уриб юборганини, машина бобони шифохонага олиб кетганини айтишганлиги, кейин у машина уриб юборган жойга борганида оёқ кийим унга таниш кўринганлиги, кейин сал нарироққа борганида отасини телпагини кўриб машина уриб юборган одам уни отаси эканини билганлиги, сўнг телпак ва оёқ кийимни олиб шифохонага борганлиги, шифохонага борганида ҳайдовчи ҳали отасини олиб келмаган бўлмаганлиги, бироздан кейин ёшроқ бола кейинчалик танигани ХХХХ отасини олиб келганлиги, сўнг шифокорлар отасига биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш учун шифохонага олиб кириб кетганлиги, отаси олган жароҳати сабабли юрак уриши кам бўла бошлаганлиги ва шифокорлар жонлантириш бўлимига олиб ўтишганини айтганлиги, бироз вақтдан кейин отаси йўл-транспорт ҳодисаси натижасида оламдан ўтганини айтишганлиги, ҳайдовчи ХХХХ отасининг дафн маросимларига қатнашиб, унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб берганлиги, судланувчи ХХХХ етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб берганлиги сабабли уни кечирганлиги ва унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, судланувчи ХХХХга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўрашлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

- шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фотолавҳа, Нарпай туман суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 8-сонли марҳум ХХХХга нисбатан берилган хулосаси, Самарқанд вилоят ИИБ эксперт-криминалистика марказининг 2024 йил 27 январь кунги 172-сонли судга оид автотехника экспертизаси хулосаси, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, юқоридаги дастлабки тергов органи томонидан тўпланган ҳамда суд мажлисида текширилган судланувчи ХХХХнинг айбини тасдиқловчи далилларни мақбул далиллар деб эътироф этди.

Суд, судланувчи ХХХХнинг эҳтиётсизлик натижасида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги оқибатида жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи



томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХнинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг ҳолатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июнь кунги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандидаги “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, у жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ҳамда бошқа тарзда ёрдам берганлигини, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарар қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инobatга олиш билан бирга, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва одам ўлимига сабаб бўлганлигини инobatга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашни имкони йўқ деган қатъий хулосага келиб, қонун санкциясида назарда тутилган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатини белгилашда унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инobatга олишликни, жазони манзил-колонияларда ўташни белгилашни, унга нисбатан қўлланилган шахсий кафилик эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишликни лозим деб топди.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчи ХХХХнинг моддий ҳамда маънавий зарар юзасидан даъвоси йўқлигини эътироф этишликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:



Судланувчи XXXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияларида ўташлиги белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 3 апрель кунидан бошлаб ўтаётган ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган асосий ва қўшимча жазоларнинг ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин.

Судланувчи XXXXга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Жиноят иши бўйича жабрланувчи XXXXнинг моддий ҳамда маънавий зарар юзасидан даъвоси йўқлиги эътироф этилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида ушбу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Ш.Ахмедов

Нусхаси аслига тўғри

Раислик қилувчи

Б.Ш.Ахмедов

